

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
www.insonvaqonun.uz
www.insonvaqonun.adliya.uz

2018 йил 10 апрель
сешанба № 14 (1114)



(Амир Темурибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул, 1336-1405 йилларда яшаган йирик давлат арбоби, кучли, марказлашган давлат асосчиси)



СОҲИБҚИРОН ҲИКОЯТЛАРИ

БИР куни падари бузрукворимиз — Амир Тарағай баҳодир кўп қўйларни менга бериб, Самарқанд бозорига савдога йўлладилар. Қўйларнинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пуллари белга боғлаб сайр қилиб юрар эдим. Бир ерда хушовоз қаландар одамларга сўзлаб турган экан: қўлида қоғоз-шеър битилган, у дер эди:

— Шул ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охирига етади...

Химматим жўшиб, минг олтуни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насабимни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қилди: — Отанг олдиға борил, буни отанг олдиға ўқи, борғунча очма...

Қоғозни келтириб, падари бузрукворимиз бердим. Очиб ўқидилар. Форса рубойи экан — маъноси қўйиди: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдири...

Рубойининг муаллифи — ушал қаландар-аллома шoir Камол Хўжандий эркан. Ул зотни падари бузрукворимиз кўп хурмат қилар эрканлар.

— Баракалло, ўғлим, кўп доно ишга олтуларни сарф этибсан. Энди, минг олтунга олгон ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур...

Падари бузрукворнинг айтқонларини бош устида тутдим.

Қарши қалъасин забт этолмай, дилга қадар тугиб қайтмоқда эдим. Қизилдарёдан кечиб, бир қишлоққа кўндик. Мен бир қулбани ихтиёр этдим. Унда ушқоқина кампир яшар, тирикчилиги ёлғиз эчкидан эркан. Момодан бирор овқат қилиб бермоқни ўтдидим. Кўп ўтмай оғоч товоққа сузилган атала дастурҳонда пайдо бўлди. Оч эрдим. Оғоч қошиқни товоқдаги аталага мўлдириб, ютоқиб еган эдим, оғзитилим куйгандан-куйди. Шунда мо мого деди:

— Сен-да Амир Темурига ўхшаш шошқолоқлардан экансан. — Темурибкнинг шошқолоқлиги-

ни қайдин билдингиз, момо, — сўрадим.

— Эшитишимча, Амир Темури Қарши қалъасига тик бориб, уни отолмабди. Магарки, аввал қалъа атрофидаги кичик-кичик қишлоқ ва маҳаллаларни эгаллаб, куч тўплаб, сўнг қалъага ҳужум қилмоқ лозим эди. У эса бир йўла бекликини олмоқчи бўлди-ю, шашти синди... Шунда ўхшаш сен ҳам шошдиган ва оғзингни куйдирдинг. Аталани аввал товоқнинг гирдидан олиб, секин-секин ялаб кўради, соғуғанини билгач, сўнгра қошиқни тўлдириб ейди-да...

Шунда хатоимни англагандай бўлдим. Ва дедим: — Дархон момо, ушал шошқоқ Амир Темури мендирман. Тан-беҳингизни бош устига олдим. Тиланг тилагингизни... Дархон мо одамлар учун ариқ қазиб, сув чиқариб беришни сўради. Орадан кўп ўтмай Танқос дарёсиндан ариқ қазиб, сув чиқариб бердим.

“Амир Темури ўғитлари” китобидан олинди.



ЯХШИ ГАП

БУНДАН бир неча ой олдин иш юзасидан битта қонун ҳужжати керак бўлиб қолди, топшига жуда қийналдим. Шундан сўнг айрим танишларимдан ҳам сўрадим. Ҳеч биридан наф чиқмади.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ КАНАЛИГА УЛАНДИМ

Фақат битта танишим менга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Ҳуқуқий ахборот” телеграм каналига уланишни тавсия қилди. Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ахборот каналига кирдим. Бу ахборот каналидан ўзимга керакли қонун ҳақида тушунча олдим.

Бугунги кунда ушбу канал ўқишда ҳам, ишда ҳам энг яқин ҳамроҳим ва кўмакчимга айланган. Шунингдек, барча курсдошларим ва ишхонада бирга ишлайдиган барча ҳамкасбларим

ҳам ҳозирда мазкур канал аъзосига айланишган. Мен курсдошларим ва ҳамкасбларим номидан мазкур “Ҳуқуқий ахборот” телеграм канали ижодкорларига чексиз миннатдорчилик билдириман. Сизлардан яна янги-янги лойиҳаларни кутиб қоламиз.

Шамсиддин НУРБЕКОВ,
М.Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети Иқтисодийёт
факультети талабаси

ТИНЧЛИКНИНГ БАҲОСИ БОРМИ?

ИЖТИМОИЙ тармоқлар шиддат билан ривожланиб, бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Улар мулоқот учун универсал майдон бўлиб туолади. Айниқса, дунёнинг қайси бурчада бўлмайлик, достларимиз билан интернет орқали дийдорлашиб, суҳбатлашамиз. Тан олиш керак, кундалик юмушлардан ортиб, гоҳ кечиниб ижтимоий тармоқларга кирамиз. Худди шу тарзда телеграмга кириб, синфдошлар гуруҳига бир “мураладим”. Хорижий давлатларнинг бирига ишлашга кетган синфдошим телеграмдан ёза бошлади.

Ёзишга қараганда ишлари яхши экан. Кетганига ярим йилча бўлган бўлса-да, у ватанимизга қайтиш фикрини айтди. “Эй, нега келаясан, ишинг яхши бўлса, озгина ишламайсанми, — мана рўзгоринг тўқ, оиланг тинч”, деб койиған синфдошларимиз уни нимадир ташвишга ёки хавотирга солганини билишмасди. Мен ниманидир сезгандай бўлдим. Тинчликми? деб ёздим. У менга бир мудҳиш ва таъсирли воқеага гувоҳ бўлганини ёзиб жўнатди.

ШАФТОЛИГА ЧЎЗИЛГАН ҚЎЛЧАЛАР...



Унинг ёзишча, воқеа шундай бўлган: У бориб ишлаётган шаҳарчада нотинч

юртдан қочиб ўтган она-болага кўзи тушади. Паришонхотир она кўнрада ётган беш ёшли норасиданинг бир қўли ва бир оёғи йўқ эди. Қиз ўз тилида бир нарсалар, деб инжиқлик қилар, онаизорнинг эса кўзидан дув-дув ёш оқарди. Булар қочқорлардан эканлигини ашлаган синфдошим Хурсанд улар томон юриб боради. Юраги эзилиб йиғлаётган она ва яримжон қизчанинг кўзида алам ва охират суроқлари жам бўлган эди гўё...

Синфдошим қизчанинг қўлига ширинлик беради. Миннатдорлик билдирган аёлни юпатар экан, ўринсиз бўлса-да, фарзанди нима сабабдан бу ҳолга тушганини билиш истагига савол беради. Шунда у онаизор чўқур хурсиниб айтган воқеадан ларзага тушади.

...Айтишча, қизча аввал жуда шўх бўлган. Улар яшаган қишлоқ вайронага айланган бўлса-да, омон қолган тенгдошлари билан кечгача шаталоқ отиб чарчамасди. Бир куни

ҲАР БИР ИШНИНГ ЕЧИМИ БОР

МАЪЛУМКИ, Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан жорий йилнинг 1 январидан бундан беш тўрт тўрт ой ичида давлат хизматлари марказлари “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойилнинг ёрқин ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга қура, ўтган 3 ойлик муддат давлат хизматлари марказлари учун муайян сарҳисоб даври ҳам бўлди, дейиш мумкин.

ЛОҚАЙДЛИК ВА БЕПАРВОЛИК

Давлат хизматлари ишида бўлмаслиги керак

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, давлат хизматлари марказлари бу борада қандай муаммо ва камчиликларга дуч келди-ю, уларни бартараф этиш учун яна қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим? Бинобарин, давлатимиз раҳбари раислигида 2018 йил 4 апрель кунини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар таҳлили ва галдаги энг муҳим вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шу муаммолар ечими кенг муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Юртбошимиз ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада экани ва қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолаётгани асоссиз молиявий харажатлар-

га, фуқароларнинг ортиқча кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишига, бу эса коррупция ҳамда бюрократик ҳолатларга олиб келаётганини таъкидлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда 2018 йил 7 апрель кунини Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида халқ қабулхоналари, туман, шаҳар халқ қабулхоналари раҳбарлари ҳамда давлат хизматлари маркази директорлари иштирокида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Президентнинг давлат маслаҳатчиси ўринбосари У.Муҳаммадиев бошқарган мазкур семинарда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди.

Давоми 2-бетда.

САЙЁР ҚАБУЛЛАР:

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Шавкат Мирзиёев гоёси билан мамлакатимизда халқ билан фаол ва очик мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасида яратилган янги тизим одамларнинг дард-ташвишларини тинглаш, муаммоларини хал қилишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари 2017 йилнинг июль-декабрь ойларида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказган сайёр қабулларда ҳам бу жиҳатлар яна бир бор ўз исботини топди.

АДОЛАТ ҲУҚМРОН ЖОЙДА ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

Тадбирларда асосий эътибор одамларни қийнаб келаётган турли муаммоларни ижобий хал қилиш асосида коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган муаммоларни чўқур ўрганиш ва бартараф этишга қаратилди.

Очик мулоқотларда 58 мингдан зиёд фуқаро ва тадбиркордан турли масалаларга оид 32 минг 176 та шикоят, ариза ва таклифлар келиб тушган. Мурожаатлар асосан банк кредитлари (8 мингдан зиёд — 25 фоиз), ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари қарорларидан норозилик (7 мингдан ортиғи — 22 фоиз), бандлик ва иш ҳақи тўловлари (3 минг 973 — 12 фоиз), тадбиркорлик (3 минг 350 — 10 фоиз), уй-жой ва ер участкалари ажратиш (2 минг 473 — 8 фоиз), электр ва газ таъминоти (1 минг 238 — 4 фоиз), моддий ёрдам (889 — 3 фоиз) каби масалаларга оиддир.

Ҳозиргача мурожаатларнинг 96 фоизи, яъни 30 минг 876 таси хал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид таклиф ва тавсиялардан иборат.

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҒОВ

Коррупция — ҳар қандай давлат ва жамиятда тарақиёт оёғига солинган кишан. Сайёр қабуллар жараёнида коррупция ҳолатлари ҳақида 118 та шикоят келиб тушгани бу борада қилинажак ишлар ҳали кўп эканини, порахўрлик, тамағирлик, ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиш билан боғлиқ иллатлар жамиятимизда нечоғлик илдиш отиб кетганини яна бир исботидир. Барча мурожаатлар буйича тегишли идораларда хизмат текширувлари олиб борилган. Уларда солиқ тизими (65 фоиз), тиббиёт (8 фоиз), маҳаллий ҳокимликлар (7 фоиз), ҳудудий газ таъминоти қорхоналари, ер ресурслари ва давлат кадастри (3 фоиз), бошқа қорхона ва ташкилотлар (13 фоиз) ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан арыз қилиниб, адолатни қарор топтириш сўралган. Мазкур мурожаатлар буйича тегишли қонуний чоралар қўрилган. Хусусан, айбдорлиги аниқланган ходим ва мутахассислардан 34 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод қилинган, 16 нафари интизомий жазога тортилган, 3 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Мисол учун, Қарши туманидан тадбиркор Анвар Ҳалимов туман давлат солиқ инспекцияси инспектори С.Аҳмедов 2015 йилда унинг савдо дўконидан 519 минг сўмлик маҳсулот олиб, пулини шу пайтгача бермай келаётганидан шикоят қилган. Урганишлар натижасида тадбиркорга пуллари тўлаб берилган, мансаб ваколатини суистеъмол қилган С.Аҳмедовга нисбатан интизомий жазо чораси қўпланилган. Навоий шаҳрида яшовчи Исмоил Жабборов шахар ДСИ ходими Абдулазиз Яхшиликўва мол-мулк ва ер солиғи учун 273 минг сўм бергани, бироқ бу маблағ унинг шахсий варақасига киритилмаганидан норози бўлиб мурожаат қилган. Урганишлар жараёнида ҳақиқат қарор топган: фуқаронинг мол-мулк ва ер солиғи учун тўлаган маблағи унинг шахсий ҳисобварағига тўлиқ киритилган, ДСИ ходими А.Яхшиликўва билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Хоразм вилоят Янгиариқ туман ДСИ ходими М.Давлетов ҳам худди шу тахлит тадбиркор Султонпошча Шарипова тадбиркорлик фаолияти учун тўлаган 600 минг сўмни жимидонига урган экан. С.Шарипованинг турмуш ўртоғи Ғулможон Юсуповнинг мурожаати асосида тўловлар тадбиркорнинг шахсий ҳисобварағига кирим қилиниб, ДСИ ходими М.Давлетов ишдан четлаштирилган.

Самарқанд вилоятида ўтказилган сайёр қабулда Тайлоқ туман “Қўрғонча” қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Комила Қодированинг шикояти ўрганилганда, Тайлоқ туман ДСИ инспектори М.Раҳмоновнинг ёрдамчиси Нуралихон Саъдуллаев ушбу фуқародан мол-мулк ва ер солиғи учун 100 АҚШ доллари ва 100 минг сўм олиб, 100 минг сўмга Халқ банкнинг тўлов қвитанциясини бергани, “қўқ”ини эса “хўжайини”га элтди бергани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилган, М.Раҳмонов эғаллаб турган лавозимидан озод этилган, хулоса ва тўпланган ҳужжатлар Тайлоқ тумани прокуратурасига юборилган. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшовчи Зокиржон Ҳақимов сайёр қабулда шикоят қилишича, Тошкент шаҳри Яшнобод туман давлат солиқ инспекцияси ходими Д.Каримов ундан нақдлаштириб бериш мақсадида ичиди 30 миллион сўм пули бор пластик карточасини олган. Унинг 6 миллион сўмини нақдлаштириб берган, қолган 24 миллион сўмини қайтармаган. Хизмат текшируви хулосалари асосида Д.Каримов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, тўпланган ҳужжатлар Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилган.

АДОЛАТНИНГ УЗУН ЙЎЛИ... ҚИСҚАРМОҚДА

Мамлакатимизда ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини тақдорламайдиган тизим шакллантирилмоқда. Шу мақсадда ўтган даврда суд, прокуратура, ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу идораларнинг вазифалари аниқ белги-ланиб, уларнинг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилмоқда.

Бироқ Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “бу борада қабул қилинган қатор қонун, фармон ва қарорларимиз ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди, дейишга, албатта, ҳали эрта. Қўрилаётган чораларга қарамастан, ички ишлар идоралари ҳали чинакам “Халқпарвар ички ишлар идоралари”га айлангани йўқ. Прокуратура органларининг эса жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти етарли эмас. Суд идоралари ҳали ҳамон ҳар қандай ҳолатда адолат қарор топадиган масканга айлангани йўқ”.

Ҳаётнинг бу аччиқ ҳақиқатларига мазкур тузилмалар раҳбарлари худудларда ўтказилган сайёр қабулларда ҳам тақдор-тақдор амин бўлди. Бу жараёнда Ички ишлар вазирлиги 3 минг 735 (12 фоиз), Бош прокуратура 7 минг 182 (жами мурожаатнинг 22 фоизи), Олий суд 4 минг 426 (14 фоиз) мурожаатни қўриб чиққан.

Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари сайёр қабулларда фуқаролар ва тадбиркорларнинг турли мазмундаги 3 минг 735 та мурожаатини қабул қилган. Мурожаатлардан энг кўпи — ички ишлар органларига ишга қайта тиклаш (1 та), паспорт-виза (394 та) масалаларига оидлигини кўрсатди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 340 та масала сайёр қабул жараёнида ижобий хал этилган, 731 та мурожаатга қабулдан сўнг ечим топишган.

Давоми 2-бетда.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Аниқ мисолларга мурожаат этаск: Сурхондарё вилоятида ўтказилган сайёр қабулда термизлик Урол Қодиров Ички ишлар вазирлиги мутасаддиларига ўғли Чори Қодиров 2017 йили автоҳалокат туфайли вафот этгани, айбдор ҳайдовчига нисбатан тегишли чора қўрилмаётганидан норози бўлиб шикоят қилган. Урганишлар жараёнида мурожаатчининг важдари асосли деб топилгач, ҳайдовчига нисбатан айбоб эълон қилиниб, у қамоққа олинган. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида яшовчи Баҳром Хўжаниязов 2013 йил ички ишлар органларидан ноҳақ бўшатилганини баён қилиб, ишга қайта тикланиш сўраган. Мазкур мурожаат атрофида урганилиб, унинг ишга қайта қабул қилиниши ҳақида ҳулоса тасдиқланган.

Бош прокуратурага келиб тушган мурожаатлардан 7 минг 117 таси ижобий ҳал қилинган, қолгани кўриб чиқилмоқда. Хукукий идоралар ва суд қарорларидан норозилик бўйича 1 минг 733, уй-жой ва ер майдонлари га оид 1 минг 155, бандлик ва иш ҳақи масаласида 1 минг 40 та мурожаат келиб тушган. Электр, газ ва ёнилғи таъминоти (529), моддий ёрдам (508), тадбиркорлик, терминал ва пластик қарор, нақд пул, валюта амалиётлари (437), банк кредити (301), соғлиқни сақлаш (280), таълим (260), қишлоқ ҳўжалиги (229), молия, солиқ қарздорлиқни ундириш (220), объект қуриш, кўчириш ва реконструкция (194), оила, маиший ва маҳалла (148) масалаларида ҳам мурожаатлар кўп тушган.

Бунинг натижасида 224 нафар фуқарога уй-жой, 323 кишига 163 миллион 609 минг сўмлик моддий ёрдам ажратилган. 360 нафар шахс иш билан таъминланган. Судларга 1 миллиард 680 миллион сўмлик 65 та даъво аризаси киритилган, 24 киши маъмурий ва интимиқий жавобгарликка тортилган. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 57 та жиноят иши қўзғатилган. 114 нафар фуқаронинг ордери олиб, шифохона ёки санаторияда имтиёзли даволаниши таъминланган. Тадбиркорликка оид масалалар юзасидан 417 та мурожаат қаноатлантирилган.

Яна бир мисол: Жиззах вилоятида ўтказилган сайёр қабулда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйишга муносабати билан уй-жой ва бошқа объектлар бузилиши оқибатида 322 нафар жисмоний ва юридик шахсга жами 16 миллиард 456 миллион сўмлик компенсация пуллари 3 миздан бери тўланмай келинаётгани аниқланган. Бош прокуратура аралашуви билан мазкур қарздорлиқни қоллаш учун республика бюджетидан 13 миллиард сўм, маҳаллий бюджетдан 3 миллиард 456 миллион сўм ажратилиши таъминланган.

Наманган вилояти Учқўрғон туманида фаолият кўрсатувчи “Кўгай теплица” МЧЖ раҳбари Ҳасанбой Келдибоев Бош прокуратура мутасаддиларига иссиқхона ташкил этиш учун Ҳаёк банкнинг Учқўрғон филиалидан 500 миллион сўм кредит олиш муаммо бўлаётганидан шикоят қилган. Мурожаат кўриб чиқилган, тадбиркорнинг қонуний талаби қаноатлантирилиб, кредит ажратилган.

Навоий вилояти Кармана тумани “Зиёкор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дилбар Ҳайитованин уйда ичимлик суви йўқлиги ва сув билан таъминлашни сўраб қилган мурожаати вилоят прокуратураси томонидан урганилгач, мазкур ҳудуддаги 12 та хонадон ичимлик суви билан таъминланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Кўнжирот туманида яшовчи фуқаро 3.Фозилбекованин мурожаати асосида тумандаги абгор ҳолатга келиб қолган 39-мактабни таъмирлаш учун 361 миллион сўм ажратилган, 5-мактабга таълим муассасасини қайта таъмирлаш 2018 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига киритилган.

Наманган вилояти Чуст туманида фуқаро Ш.Алиевга доривор қовул ўсимлиги етиштириш ва интенсив боғ ташкил этиш учун 50 гектар ер ажратилган.

Олий суд раҳбарияти сайёр қабулларда 4 минг 426 та мурожаатни кўриб чиққан, уларнинг 834 таси жиноят, 689 таси фуқаролик, 108 таси маъмурий, 82 таси иқтисодий ишлар бўйича судларга тегишлидир. Суд тизими га энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри (307), Қашқадарё (192), Сурхондарё (166) вилоятларидан келиб тушган.

Мурожаатларнинг аксарияти дастлабки тергов ва судларнинг қарорлари, суд қарорларининг ижроси юзасидан билдирилган. Шунингдек, тергов ва суд жараёнилари тўлиқ ўтказилмагани, далиллар маъмулликлиги риюа этилмагани фу-

АДОЛАТ ҲУҚМРОН ЖОЙДА ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

қарорларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлган. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг муомала маданияти анча пастлиги, фуқароларга қўпол муносабатда бўлиши, тарафларнинг важдарини кунт билан тингламаслиги ҳам фуқароларнинг шикоят қилишларига сабаб бўлмоқда. Тадбиркорлар, фуқаролар билан давлат идоралари ўртасида ер майдонлари ва бино-иншоотларнинг эгалиги тўғрисидаги низолар бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушган.

Фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида Олий суд раҳбарияти қўйи суд ҳужжатларига нисбатан жами 596 та протест киритган. Уларнинг 234 таси фуқаролик, 204 таси жиноят, 114 таси иқтисодий ишлар бўйича бўлиб, 44 та маъмурий ишнинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилган.

Ҳар бир соҳада қонун устувор бўлмоғи лозим

Сайёр қабуллар жараёнида Адлия вазирлиги раҳбарлари 7 минг 729 (жами мурожаатнинг 9 фоизи), давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари 2 минг 354 (7 фоиз), давлат божхона қўмитаси раҳбарияти 1 минг 112 (3 фоиз) мурожаатни кўриб чиққан.

Адлия вазирлигига келиб тушган мурожаатлардан 854 таси жойида ҳал этилган. Бунинг натижасида 486 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланган, 18 та оила-нафр уй-жой ва ер участкаси олишига, 70 нафар фуқаронинг ишли бўлишига, 39 кишига моддий ёрдам ажратилишига, 85 нафар фуқарога касалхона ва санаторияларда даволаниши учун ордер берилишига, 69 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишида дуч келаётган муаммолари ҳал бўлишига амалий кўмак берилган.

Аҳолидан келиб тушган мурожаатлар турли мазмунда, аммо барчаси вилоятлар аҳолисини анчадан бери ташвишлантираётган муаммолардир. Фуқароларнинг дардини эшитиш, уларга амалий ёрдам кўрсатишни асосий мақсад қилган сайёр қабуллардаги мурожаатлар, уларнинг натижалари ҳақида айрим мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Масалан, 1993 йилдан бунён Ўзбекистонда яшаб келаётган Россия фуқароси Екатерина Бердиева фарзандига паспорт олиш учун амалий ёрдам сўраган. Аёлнинг мурожаати қаноатлантирилиб, фарзандига паспорт берилган. Сирдарёлик Мухаббат Ориповга фарзандига ногиронлик аравачаси олишида амалий ёрдам сўраган. Бу муаммо ҳам зудлик билан ҳал этилган.

Мурожаат қилувчилар орасида нафақат ўз муаммоси, балки одамларнинг, қишлоқ аҳолисининг яхши шaroитда яшашини таъминлашга ҳаракат қилиб, хайрли ишларга бел боғлаганлар ҳам анчагина. Шундай инсонлардан бири — Хоразм вилоятида яшовчи Олимбой Ёқубов маҳалласига ичимлик суви келтиришда амалий ёрдам сўраган. Захкашларни қазиб бериш ва маҳаллада болалар боғчаси қуриш тақлифини киритган. Бу мурожаат юзасидан Ҳазорасп тумани ҳокимлиги амалий ишларни бошлаб юборди.

Ҳудудларда бўлиб ўтган очик мулоқотларда давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари уй-жой, иқтимоий муҳофаза, таълим, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот, банклар фаолияти, ишга жойлаш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид кўплаб мурожаатларни жойида ҳал этган.

Аниқ мисолларга ўтаск. Тошкент вилояти Янгийўл туманида яшовчи фуқаро М.Шокированин тақлифига мувофиқ, Янгийўл туман марказий шифохонасининг болалар бўлимига ҳомийлик маблагини ҳисобидан “небулайзер” ингаляция аппарати олиб берилган. Тошкент шаҳри Олмасор туманида яшовчи фуқаро Б.Тешабоев ўнг оёғида жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун имкони яти йўқлигини айтиб, амалий ёрдам сўраган. Мазкур мурожаат кўриб чиқилгач, фуқаро Б.Тешабоев Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш илмий марказида бепул даволаниб чиққан. Унинг ўнг оёғига ҳомийлик

ҳисобидан 11 миллион сўмга протез буюми олиб берилган.

Яна бир мисол, Қашқадарё вилояти Қамаш туманидан тадбиркор Замира Нормўминова мурожаат қилиб, 2017 йили “Агробанк” ажратган 74 миллион сўм кредитнинг фақат 30 миллион сўмини олгани, қолган 44 миллион сўм кредитни банк ресурс йўқ, деган важ билан бермаётганидан арз қилган. Урганишлар натижасида, тадбиркорга “Агробанк”нинг Қамаш туман филиалидан 44 миллион сўм кредит олиб берилган.

Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари сайёр қабулларда умид билан эшик қоққан 1,1 мингдан ортикча одамнинг дардига қўлоқ тутди. Турли расмиётчиликлардан ҳоли, давомли маъруза ва узундан-узун ҳисоботларсиз ташкил этилган ушбу очик мулоқотларда фақат ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари эмас, балки жамиятимизнинг барча қатламига мансуб юрtdошларимиз — кексалар, ўқитувчилар, шифокорлар, ёшлар, талабалар ва бошқалар бемалол иштирок этди. Кимдир раҳбарларнинг ўринсиз хатти-ҳаракатидан норози, кимдир порахўрликдан наҳот сўраган, яна кимнингдир уй-жой муаммоси бўлса, бошқа бири дори-дармонга муҳтож...

Агар қуқурроқ таҳлил қилинса, мурожаат эгаларининг салкам 24 фоизи тадбиркорлик соҳасидаги қўйинчиликлар, хусусан, терминал, пластик қарточкалар, нақд пул ечими ва валюта амалиётидаги бюрократик тўсиқлардан арз қилган, 15 фоиз мурожаат меҳнат, бандлик ва иш ҳақи масалаларида бўлган. Мурожаатларнинг 12 фоиздан ортиғи электр, газ ва ёнилғи таъминотидаги узиллишлар билан боғлиқ.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида мазкур мурожаатларнинг 967 таси, яъни салкам 87 фоизи қисқа фурсатда ижобий ечимини топти. Хусусан, термизлик Шамсиддин Шарипов айнан сайёр қабуллардаги мурожаатлари асосида божхона органлари хизматига қабул қилинган. Термиз шаҳри Нукус кўчаси 12-уйда яшовчи Мунаввар Раҳимованин мурожаати асосида унинг яшаб турган уйи бузилишга тушгани боис оиласига 8 сотих ер майдони ажратиб берилган.

Банклар тадбиркорларга пешвоз чиқмоқда

Сайёр қабуллар тадбиркорлар учун ўзига ҳос “мулоқот майдонча” шаклланишига, банк тизимидаги мавжуд муаммоларни ич-иқидан ўрганиш, банк хизматлари бўйича аниқ тақлифлар тайёрлаш, кўтарилган масалаларга асосланиб, тизимдаги бошқарув қарорлари ва тартибларини қайта кўриб чиқишга ёрдам берди.

Айнан шундай очик мулоқотлар самарасида 3 мингдан зиёд фуқаро ва тадбиркорлик субъектига 488 миллиард сўм кредит маблаг ажратилиши таъминлангани, 5 минг 642 мурожаатчининг нақд пул муомаласи, 268 нафар фуқаронинг валюта операцияларига оид масалалари ҳал этилгани бунинг яққол далидир.

Тижорат банклари раҳбарияти 10 минг 638 та мурожаатни кўриб чиққан, бу жами мурожаатларнинг 33 фоизини ташкил қилади. Ушбу мурожаатларнинг асосий қисми банк кредитлари (7 минг 121), тадбиркорлик, терминал ва пластик карта, нақд пул, валюта амалиётлари (2 минг 306), қарздорлиқни ундириш (164), объект қуриш, кўчириш ва қайта таъмирлаш (40), автосалондан автомашинани олиш (28) ва бошқа масалалар тўғрисида бўлиб, уларнинг 10 минг 207 таси ижобий ҳал этилган.

Андижон вилояти Шахрихон туманидаги “Мега Экспресс Люкс” МЧЖ балиқчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ҳовуз қуриш учун 250 миллион сўм, андижонлик тадбиркор Машхурбек Кимсановга бўш турган бинода музлаткичли оғборхона ташкил қилиш учун 500 миллион сўм кредит ажратилган.

Бухоро шаҳридаги “Selen Production” МЧЖга пластик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 1,6 мил-

лиард сўм, Ромитан туман “Кўҳна Бухоро” фермер ҳўжалиги раҳбари Шухрат Нозимовга иссиқхона қуриш учун 1,1 миллиард сўм миқдориди кредит ажратишда амалий ёрдам кўрсатилган. Бугун икки тадбиркор ҳам ўз фаолиятини кенгайтириб, ички бозорга маҳсулот етказиб бермоқда.

Жиззах вилоят Зафаробод туман “Анҳор остидаги сув париси” хусусий корхонаси раҳбари Утагул Бойжонова тўйхона хизматини ташкил этиш учун 100 миллион сўм кредит ажратилган. Айни пайтда тўйхона замонавий жиҳозланиб, халққа хизмат қилмоқда. Худди шу каби сайёр қабуллардаги мурожаатлар натижасида Жиззах вилоят Шапроф Рашидов туманидан тадбиркор Жамшидбек Хайруллаев 80 миллион сўм кредит эвазига спорт кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Навоий вилоят Кармана туманидаги “Кармана Олмасор” МЧЖ раҳбари Ж.Қосимов 800 миллион сўмлик банк кредити эвазига иссиқхона қуриб, қўчрат парваришламоқда. Навоий шаҳрида тадбиркор Фахриддин Хирочов сайёр қабулдаги мурожаатидан сўнг 1 миллиард сўм кредит олиб, янги клиника қурмоқда.

Республика молия, бандлик, қасаба уюшмалари, банк ва бошқа мутасадди идоралар томонидан мамлакат бўйича аниқланган, кредит олиш истиғини билдирган кам таъминланган 5 минг 771 та оилага 33,3 миллиард сўм миқдориди имтиёзли кредит ажратилиши таъминланган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча туманларида ўтказилган хатлов натижасида бўш турган 1 минг 832 та бино ва иншоот аниқланиб, улардан мақсадли фойдаланиш бўйича ташаббускорлар ва банк кредитлари ҳисобидан 734 миллиард сўмлик 1 минг 485 та лойиҳа ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда лойиҳалардан 415 таси бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, ҳокимликлар томонидан тасдиқланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 95,8 миллиард сўм бўлгани ҳолда, 63,7 миллиард сўми ташаббускорларнинг ўз маблаглари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб олинган.

Бундан ташқари, сайёр қабуллар натижасида жами 596 нафар фуқаронинг электр ва газ таъминоти га оид муаммолари ҳал этилган, 373 оилага уй-жой ва ер участкаси ажратилган, 622 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган, 302 нафар фуқарога 210 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

Сайёр қабуллардан олинган ҳулосалар нималардан иборат?

Аввало, сайёр қабуллар натижасида узок вақтдан бери аҳолини қийнаб келаётган турли муаммолар юзага чиқмоқда. Оддий одамлар ҳаётига дахлдор масалалардан тортиб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларгача ечим топилмоқда. Муаммоларга тик қараб, уларни ҳал қилишга қиришлгани мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичига ўтилганидан далолат бўлиш билан бирга, халқнинг ҳаётга, давлатга, жамиятга, келажакка ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Очик мулоқотлар исботлаган ҳақиқатлардан яна бири шуки, қонун устуворлиги жамият тараққиёти, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашнинг энг бirlамачи воситасидир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари амалда таъминланиши учун қонунлар тўла ва сифатли ижро қилиниши лозим.

Мазкур қабуллар аҳоли онгда коррупцияга нисбатан муросасизликни шакллантириш жамиятимиздаги коррупциявий омилларни бартараф этишининг муҳим воситаси эканини ҳам қўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, адолат ва қонунийлик — халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асоси. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад жамиятимизда тинчлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлаш, одамларни, халқини ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бундай сайёр қабуллар ва очик мулоқотлар ҳар бир нарсани ўз номи билан айтиш — ҳақни ноҳақдан, оқ ва қорани ажратишда, фуқароларнинг мурожаатларини қисқа муддатда сиқчиқлаб кўриб чиқиб, ҳал этишда қатта имкониётлар яратмоқда. Зотан, ҳар бир мурожаат ўзаро мулоқотга, мулоқот эса қизғин мувоқамга йўл очади, бу жамиятимизда адолат барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Адолат ҳукмрон жойида шикоятга ўрин қолмайди.

ЎЗА

ЛОҚАЙДЛИК ВА БЕПАРВОЛИК

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ИШИДА БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Чиндан ҳам айрим ваколатли органларда давлат хизмати кўрсатиш бўйича электрон ахборот тизими тўлиқ жорий этилмагани туфайли идоралараро электрон ахборот алмашуви йўлга қўйилмаган. Бундай ҳолат кўпроқ архитектура ва қурилиш бўлимлари ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимларида кўзга ташланмоқда. Ёки айрим тизимларда давлат хизматлари марказлари билан ишловчи ходим ханузгача бириктирилмаган. Бу эса тезкор ва сифатли давлат хизматлари кўрсатишда қийинчилик туғдириб, марказларимизнинг иш самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. — дейди Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Раънохон Бойқўзиева биз билан сўхбатда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бошқарма масъуллари томонидан вилоятнинг барча туман, шаҳарларида аниқланган ҳамда давлат хизматлари марказлари ишига ҳалал бераётган муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинди. Масалан, Данғара ва Сўх туманлари “Сувоқав” давлат унитар корхоналари ҳанузгача интернет тармоғига уланмаган. Фарғона вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва Данғара туман архитектура ва қурилиш бўлими масъул ходимлари эса mygov.birdarsha.uz ахборот тизими га кириш учун рухсат (доступ) олмаган. Риштон ва Олтиариқ туман архитектура ва қурилиш бўлимларини интернет тармоғига уланмаган. Шунингдек, Олтиариқ туман архитектура ва қурилиш бўлими масъул ходими давлат хизматлари марказидан электрон рақамли имзо олмаган, id.gov.uz тизими га рўйхатдан ўтмаган, mygov.birdarsha.uz ахборот тизими га кириш учун рухсат (доступ) олмаган. Сўх туман архитектура ва қурилиш бўлими билан туман давлат хизматлари маркази ўртасида электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилмаган.

Энг эътирозли ҳолат эса Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари бўйича Биохилмаҳиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш ҳудудий инспекцияси бошлиғи Ботиржон Ҳайдаров билан рўй берган. Яъни, Б.Ҳайдаров давлат хизматлари марказлари билан ишловчи масъул ходим бириктириш ҳақидаги буйруқ қабул қилишдан бош тортган. Давлат геология қўмитаси Фарғона ҳудудий гидрогеологик станцияси давлат хизматлари марказлари билан ўзаро электрон ахборот тизими га уланмаган ва масъул ходими алоҳида компьютер жамланмаси билан таъминланмаган. Ҳаттоки, станция томонидан масъул ходим бириктириш тўғрисидаги буйруқ ҳам қабул қилинмаган.

Албатта, ўтган давр мобайнида аниқланган муаммолар ўз ўрнида бартараф этилса, жисмоний ва юридик шахсларнинг эътирози юзага келмайди. Бинобарин, бошқарма мутахассислари томонидан билдирилган айрим тақлифларга ҳам эътиборингизни қаратмоқчимиз. Юқоридаги Фарғонага асосан 2018 йил 1 апрелдан жорий этилган болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш мuddати 1 иш кунини этиб белгиланган. Аммо электрон рақамли имзо олиш учун тўланадиган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдориди нақд пул шаклидаги тўлов тижорат банклари электрон тизими га бир кундан кейин кўрилади. Тўлов тасдиқланмаганча фуқаро электрон рақамли имзо олмайдми. Бу билан ҳам белгиланган юқоридаги мuddат бузилиши юзага келмоқда, ҳам фуқаро бир масалада иккинчи маротаба марказга келишга мажбур бўлмоқда. Шу боис мазкур муаммони ҳал қилиш юзасидан тижорат банклари томонидан электрон рақамли имзо сертификатини олиш учун амалга оширилмаган тўловларни қисқа мuddатларда марказ базасида кўринишини таъминлаш, қолаверса, bo.birdarsha.uz сайти орқали олинмаган электрон рақамли имзо калитларини олишда базага СТИР киритилганда тўлов сик орқали амалга оширилган бўлса, электрон рақамли имзо калитини автоматик равишда яратиш, агар нақд пул шаклида амалга оширилмаган бўлса, автоматик равишда инвойс рақамини яратиш тақлифлари билдирилди.

Шунингдек, Президентимизнинг юқоридаги Фарғонига биноан 2018 йил 1 апрелдан 13 та давлат хизматлари жорий этилгани боис марказларга мурожаат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар сони 2-3 баробарга кўпайиб, навбатлар ортиши юзага келмоқда. Шу сабабли жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизматлари дастурини ягона бир дастурга жойлаштириб, марказлар навбатни электрон бошқариш қурилмаси билан таъминланса, муаммони бартараф этиш мумкин.

Бундан ташқари, айни пайтда давлат хизматлари марказлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга bo.birdarsha.uz, ijro.uz ва mygov.birdarsha.uz дастурлари, яъни бир вақтнинг ўзида бир нечта дастурлар орқали давлат хизматлари кўрсатилиши туфайли вақтинча узиллиш ҳолатлари рўй бермоқда. Шунинг учун кўрсатиладиган давлат хизматлари ягона дастурини яратиш ва жойлаштириш мақсада мувофиқ, Бу эса давлат хизматлари марказлари иш самарадорлигини сезиларли даражада орттириш имконини беради.

Албатта, тилга олинган бу каби муаммолар келгусида юзага келмаслиғи учун 2018 йил 1 сентябрдан жорий қилинадиган давлат хизматларига дахлдор идоралар ва тизимлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундан бунён 2020 йилга қадар ҳар б ойда қўшимча давлат хизматлари жорий этилиши эвазига давлат хизматлари маркази ходимлари зиммасидаги масъулият ортиб бораверади.

Хуриш СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ХАЛҚ ИЧИДА

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Адлия вазири ўринбосари А.Тошқулов сайёр қабул ўтказди

БУГУН давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар моҳиятини англаган, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган раҳбар халқ билан яқин бўлишга интилмоқда. Ҳар бир раҳбар халқни рози қилиш асосий вазифаси эканлигини англамоқда.

Адлия вазири ўринбосари Акбар Тошқулов томонидан Бухоро вилоятида ўтказилган сайёр қабулда 20 нафардан ортик фуқаронинг мурожаати, дарду ташвиши эшитилиб, кўплаб муаммолар ижобий ҳал этилди.

Хусусан, Бухоро туманида яшовчи фуқаро Ш.Ҳамидова

оилавий аҳволи оғирлиги, қизи Н.Саъдуллаева оилада ягона боқувчи эканлиги, у 0,5 ҳиссада ҳамшира вазифасида ишлаётганлигини маълум қилиб, қизини тўлиқ бир ҳиссага ўтказишида амалий ёрдам сўради.

Мазкур мурожаат адлия бошқармаси томонидан батафсил ўрганиб чиқилди. Ш.Ҳамидованин мурожаати қаноатлантирилди. Қиз Н.Саъдуллаева тўлиқ 1 ҳисса ҳамширалик вазифасига ўтказилди.

Ҳомид ҲОТАМОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ОРТИҚЧА ДАХМАЗА КИМГА КЕРАК?

БУХОРО вилоят адлия бошқармасига Бухоро шаҳрида яшовчи фуқаро Б.Шуқуров (исм-шарифи ўзгартрилган) мурожаат қилди. У янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан тиббий кўрик маълумотномаси асосиз равишда талаб қилинаётганлигини билдирган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан мазкур мурожаат ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун фуқаро томонидан қилинган мурожаатга Бухоро вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан қонунчиликда белгиланмаган тиббий кўрик маълумотномаси талаб қилинганлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкам

ТАКЛИФ БОР

КЎПГИНА давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар томонидан ота-оналарга соат кечги беш яримгача фарзандларини боғчадан олиб кетиш талаби кўйилади. Албатта-да, тонг саҳардан ишга келиб, 30-40 нафар болани тарбиялаб ўтирадию, тагин кун қиёмга келиб, қош қорайгунча ҳам уларга кўз-қулоқ бўлиб ўтириши керакми?

Биз бекорга "кўпгина давлат мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари", деб айтмадик. Бундай мулоҳаза юритишдан олдин Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи унча-мунча ота-оналар билан суҳбатда бўлдик. Биз мулоқотда бўлган ота-оналарнинг деярли барчаси болаларни боғчадан олишда қийинчиликларга дуч келаётганларини айтишди. Пойтахтимизнинг Сирғали туманида яшовчи суҳбатдошимиз ишдан уйгача бўлган масофа автобус транспортида тахминан 1 соатни ташкил этишини, шу сабабли боғчага кеч қолаётгани ва бу ҳолат ҳар доим тарбиячининг норозилигига сабаб бўлаётганлигини кўчириб гапирди. Унинг айтишича, соат миллари 17:30 дан 10 ёки 15 дақиқа ўтса ҳам таълим муассасасининг тарбиячиси "менинг иш вақтим беш ярим гача, болангизни яна қанча гача олиб ўтиришим керак, ахир", дея эътироз билдирар экан. Демак, қахрамонимиз соат 17:30 гача бўлган муддатда боғчага етиб бориши учун ишхонадан камида соат 16:30 да чиқиб кетиши керак.

Республикамиздаги кўпгина давлат идора ва ташкилотларида иш вақти 9:00 дан 18:00 гача белгиланган. Унда фарзандини боғчадан тезроқ олиш

Боғча опанинг иш вақти

17:30 ДА ТУГАЙДИМИ?



учун ҳаллослаб чопган ходимлар ишдан "қочиш"га мажбур бўлар экан-да. У ҳолда ҳар жиҳатдан мамлакат тараққиётини белгилайдиган иш унумдорлиги, ходимларнинг тартиб-интизоми-чи? Бу масала бир ёқда қолиб кетаверадими? Ҳар сафар иш вақти тугамай кетиб қолаверадиган ходимга раҳбар қандай муносабатда бўлади?

Албатта, фарзандларига уйда қаровчиси бўлган оилаларда бундай муаммо юзага келмаслиги мумкин. Бироқ ота-она, қариндош-уруғидан йироқда яшайдиган ёш оилаларда эру хотин баравар ишласа-ю, иш вақти соат 18:00 гача бўлган ҳолда фарзандларини мактабгача таълим муассасасидан 17:30 гача бўлган муддатда олишни улар қандай уйдолаларига олишлари мумкин? Бироқ бунинг ҳам эпини қиладиганлар топилар экан. Суҳбатдошларимиздан яна бири боғча опага ортиқча пул бериб, кечки соат 19:00 гача болани боғчада қолдираётганини айтди. Хўп, бу ҳам муаммога ечим топишининг бир йўли-да, бироқ ўша ортиқча пулни топа оладиган бор, топа олмайдиган ҳам бор. Адолатли жамият қуришда биринчи навбатда тўсиқ бўладиган коррупцияни ўзимиз бошлаймиз, агар биз пора бермасак, олам гулистон, дея жар ҳам солаемиз, баъзида. Аммо мажбурилик, чорасизлик юзасидан келиб чиқадиган коррупциягачи? Бунга қандай баҳо ёхуд изоҳ бериш мумкин? Ортиқча пул беришга имконияти етарлиган ҳар қандай киши яхши ходим бўлиш ва иш жойидан гап юқтирмалик учун ҳам "жон-жон деб" коррупцияга қўл уради-да, тўғри эмасми?

Ўзбекилимизга борамиз, андишани сақлашимиз, ҳар гал кеч қолиб келаётганимизга иддао қилиб, иш вақти беш яримгача эканлигини пеш қилаверадиган боғча опага "муассасангизнинг низоми қани, низоми бўйича иш вақтингиз қандай белгиланган ўзи?", деган саволни бера олаймиш.

Балки ҳақиқатан ҳам мактабгача таълим

муассасалари ходимларининг иши жуда барвақт бошланиши ҳисобига 17:30 гача белгилангандир. Ундай бўлса бу масалага оидинлик киритиш керак-ку. Қанчадан-қанча ташкилот ва идораларда фаолият юритадиган ходимларнинг иш вақти билан мактабгача таълим муассасалари ходимлари иш вақтининг бир-бирига мос келишини инобатга олиш, бу борада амалий чоралар кўриш вақти келмадими?

Мамлакатимиз раҳбари томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг иш фаолиятига, уларни моддий томондан рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Албатта, халқнинг боласини соғ-саломат, асраб-авайлаб, яхши тарбия бериб ўтирадиган, гўдакларнинг инжиқлиғи-ю хархашасини кўтарадиган боғча опаларнинг заҳматини алоҳида тилга олиш жоиз. Аммо шуниси ҳам борки, мавқеи ўқитувчи даражасига кўтарилмаётган боғча тарбиячилари ҳаммаси ҳам ҳали ўқитувчи даражасида таълим-тарбия бера олиши борасида аниқ хулосага келиб бўлмайди. Майли, бу алоҳида мавзудир. Боғча опаларимиз эса ишдан келгунимизча болаларимизни беминнат олиб ўтирса кўнглимиз ҳам хотиржам бўлган бўларди.

Кўпгина ота-оналарнинг мулоҳазаларини эътиборга олиб, мақола орқали мутасадди ташкилотларга мурожаат қилмоқчимиз: республикамизда давлат мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг иш вақти қандай белгиланган? Агар ростдан ҳам уларнинг иш вақти 17:30 да тугаса, унда давлат ташкилотларида меҳнат қилаётган қанчадан-қанча ходимларнинг иш вақтини ҳисобга олган ҳолда низоми ва тартиб-қоидаларга ўзгартириш киритиш керакдир, деган таклифни ўртага ташламоқчимиз.

Маҳдия АБАЗОВА "Инсон ва қонун" муҳбири

Она ернинг

"ОҚ ДОҒ" лари



ТИБЕТ — учинчи кутб

(Давоми. Бошланиши аввалги сонда)

ОДАТДА европалар олий зотли халқнинг келиб чиқишини Арктика билан боғлашади. Лекин шарқ маънавий таълим ва тилсмон маркази баланд тоғлар устидаги Тибетда жойлашганини ҳеч ким инкор қилолмайди. Олинган космик фототасвирларга қарамай, бу худуднинг аниқ харитаси ҳануз йўқ. Шарқшунос тадқиқотчиларнинг айтишларича, қадимги афсонавий Шамбала тараққиёти ва умрбоқий доғишмандларнинг сирли ўлкаси айнан шу ерда жойлашган. Ин-чунин, 1930-1940 йилларда Учинчи рейх ва собиқ советлар Россиясининг вакиллари "Худолар илми ва техникаси"ни қўлга киритиш истагида Тибетга кўп бора самарасиз экспедиция уюштиришди. Қадимий доғишмандлик илмини излаб келган Николай Рерих бу ердан битмас-туганмас илҳом манбаига эга бўлди. Инсоният томонидан маъзур жой ҳануз тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабларидан бири — баланд тоғлар ва абадий музликлардир. Шунингдек, Тибет платосида ҳаёт эҳтиёжи учун нафас олишга ҳаво етишмайди. Чунки денгиз сатҳидан 4500 метр баландликда кислород концентрацияси одатдагидан кўра икки баравар кам. Бу эса плато иқлимга мослашмаган одам учун нафақат ноқулайлик, балки жиддий хатар тўғрилади. Албатта, 62 минг йиллар аввал бу ерни макон қилган эс сонли тибетликлар бундан мустасно. Уларнинг организмидеги қайта тиклаб бўлмайдиган ўзгаришлар ерлик аҳолини гипоксия, яъни ҳаво етишмовчиликдан ҳимоя қилади. Қалин музликлар сабабли Тибет платоси Ер шарининг учинчи кутби, деб аталади. Шунга қарамай, иқлими ўта қуруқ, деярли қор бўлмайди. Шу сабабли айрим камёб ўсимликлар қўл тегиши биланок қум зарраларидай тўзиб кетади. Платода кучли шамол тўғрили тез-тез кўтарилиб турадиган чанг бўрони кўз очирмайди.



КУЗАТУВ

"ТҮЙ ТҮЙДЕК, ЭЧКИ ҚҮЙДЕК"

бўлсин, дейдиган нақлнинг замони ўтди

КўП ҳолларда тўй қиладиган одамни 3-4 нафар ўртоқлари унинг қўйнига сув пурқашарди. "Тўй қилганидан кейин доврўги етти иқлимга етсин-да. Кимсан фалончи бўлсанг", деб ақл ўртагари. Ночор қолган бечора қарз-қавола қилиб бўлса ҳам дангиллама тўй қилишга "мажбур" бўларди.

Раҳматли ёзувчи Йўлдош Парда билан ҳамкасб бўлиб ишлаганимизда қизиқ бир воқеани айтиб берганди: "Германиянинг Гёте институтида бир гуруҳ адабиётшунослар тажриба алмашишга келди. Уларни таомиллимизга кўра хўп меҳмон қилдик. Тўйларга таклиф қилдик. Улар бизнинг тўйлардаги тўкин-сочинлиқни ва тумонат одамларни кўриб ҳайрон қоларди.

Орадан ҳамаси 6 ойлар ўтгач, бир гуруҳ адабиётшунослар Германияга тажриба алмашишга бордик. Бир кун институт бошлиғининг ўринбосари мени ўглининг тўйига таклиф қилди. Ўзбек таомилларига кўра, тўйга совға-салом билан бордик. Тўйнинг эгаси ресторани олдида кутиб турган экан. У мени ичкарига киритди. Мен билан борган ҳамроҳимга "Сен кирмайсан. Биронта меҳмон келмай қолса, албатта, ичкарига кирасан", деди.

Ҳамроҳим ёнида жуда хижолат бўлдим. У ташқарида, мен эса ичкарида. Тўйга бор йўғи 50-60 киши таклиф этилган экан. Ҳамроҳим ёнида хижолат бўлиб ичкаридан тезда ташқарига чиқдим. У фаввора ёнида мени кутиб турарди. Тўйнинг эгаси чиқиб ҳамроҳимдан узр сўради. "Айтилган ҳамма меҳмонлар келди. Шунинг учун сени тўйга таклиф қилолмадим", деди.

Ўзбекистон Миллий университетда узоқ йиллар домлалик қилган Саид ака, деган танишим бор. У ҳозир Юнусобод туманидаги маҳаллаларнинг бирида маҳалла раиси. У киши тўйлардаги қизиқ воқеани айтиб берди. Унинг айтишича, у раислик қилган маҳалладаги ресторанига ҳар кун нотаниш эр-хотин келиб, келин-куёвга гул тақдим қиларкан. Гул ҳам кўча бўйидаги гуллардан, целлофан қозога ўралган. Тўйдагилар келин томонинг меҳмони бўлса керак, куёв томон эса келин томондан келган бўлса керак, деб ўйлайди. Хуллас, тўйдагилар эътибор бермас экан. Мен буни сезиб қолдим. Эр-хотинни чақириб, суриштириб кўрсам, тўй қиладиган томонларга умуман алоқаси йўқ. Улар ҳар кун тўйларга келиб, еб-ичиб кетар экан. Ўзбек ҳеч қачон тўйига келган бегона одамни кўрса ҳам "нега келдинг", демайди. Бирок...

Кейинги пайтларда тўйларни ихчамлаштириш ҳақида ОАВда бот-бот чиқишлар қилинмоқда. Албатта, бу гапларда чуқур маъно бор. Айрим кимсалар "элга тўй бераман", деб хорихда кимларнингдир қўлида кул бўлмоқда. Не азобларда ортирган бор бисотини эса бир кунда тўйиб сочади. Бу бор ҳақиқат. Қачонгача бундай нохуш ҳолатлар давом этади?

Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда: "...айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топапти. Буларни аши-тиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади", деган эди.

Бу гаплардан барчамиз хулоса чиқарадиган вақт келди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ЎЙЛАБ КҮРИНГ

УЙИНГИЗГА меҳмон келди. Дастурхон тўкин. Суҳбат авжида. Шу пайт чироқ ўчиб қолса кайфиятингиз бузилши тайин.

Тўғриси, сиз шу дам энергиясиздан қарздор эканлигинизни ўйлаб кўрмайсиз. Тизимдагилардан норози бўласиз. Асабингиз бузилади. Аслида эса айб ўзингизда электр энергиясининг ҳақини ўз вақтида тўламагансиз.



НИҲ УҒРИЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомига асосан Мажбурий ижро бюроси томонидан газ истеъмолчиларни хабардор қилган пайтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан кейин қарзларни мажбурий, шу жумладан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўриб келмоқда.

Жумладан, тошкентлик А.Тўхлиевнинг электр энергиясиздан қарздорлиги 9 миллион сўм, И.Азизовнинг эса қарздорлиги 8 миллион сўмни ташкил қилган. Айрим кимсалар электр энергиясиздан яширинча фойдалана-

ди. Гўё ҳеч ким билмайди. Сири фойш бўлгач, бошини эгиб турли баҳона кидиришади. Фуқаро Шавкат Юнусовнинг иши жиноят ишлари бўйича Поп туман судида кўриб чиқилди. Сабаби, у туман мажбурий ижро бўлими давлат ижросисига қўполлик қилган, унга нисбатан куч ишлатиб, қонунбузарлик содир этган. Энг ачинарлиси, жойларда кам бўлса-да бундай нохуш ҳолатлар учраб турибди.

Биз дўконга борганимизда ёғ ёки шакар харид қилаётганда, албатта, маҳсулотнинг ҳақини тўлаб оламиз. Лекин электр энергиясиздан фойдаланганимизда эса ҳақини унутиб қўямиз. Аслида электр энергияси уйимизга келишида қанчалаб инсонларнинг меҳнати борлигини унутмаслигимиз керак.

АЛИМЕНТ ТўЛАШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИМИ?

— МЕН хорихга ишга кетмоқчиман. Лекин алимент тўлашим керак. Эшитишимча, ақинда алимент тўлаш тартибига ўзгартришлар киритилибди. Эндиликда алиментни олдидан тўлаб хорихга кетиш мумкин экан. Бу тўғрими? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Я.ЭШОНОВ, Сурхондарё вилояти

— Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги Қонунига асосан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 42-моддаси алимент тўлашга мажбур шахсга республикадан чиқишга қўйилган таққини олиб ташлаш тартибини назарда тутган қоидалар билан тўдирилди.

Унга кўра, вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдидан тўланган ёки алимент тўлаш бўйича гаров шартномаси тузилган бўлса, давлат ижросисига тўлов ёки гаров шартномаси тўғрисидаги тегишли ҳужжат олинган куннинг эртаси-

дан кечиктирмасдан тегишли органларни қарздор жисмоний шахсининг республикадан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади. Бунда гаров қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки ўз эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Маъзур қоида Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач, яъни 2018 йил 11 июлдан амалга киритилади.

Саволга Адлия вазирлиги маъсул ходими Алишер ХАТАМОВ жавоб берди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБР КўРГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ КўРСАТИЛАДИМИ?

— ОДАМ савдосидан азият чекканларга давлат томонидан ижтимоий-маънавий кўмак берилишини эшитгандим. Шу ростми? Агар мумкин бўлса, шу ҳақда ҳуқуқий тушунча берсангиз.

З.АХМЕДОВА, Тошкент вилояти

— Одам савдосидан жабрланганларга ижтимоий реабилитация кўрсатиш уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадига амалга оширилади. Бу ҳолат маъзур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик тураржой бериш каби-ларни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа

манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қўшимча маълумотларни "Одам савдосига қарши курашини тўғрисида"ги Қонундан олишингиз мумкин.

Саволга Олий суд катта консультанти Дилноза ЖУМОНОВА жавоб берди.

ЁҚУТИСТОН — аномал худуд

Россияда ҳам ер шарининг оқ доғи, деган унвога даъвогар худуд мавжуд. Шулардан бири — Ёқутистон. Бу ернинг иқлими дунёнинг энг аёвсиз иқлимларидан бири саналади. Ёқутистонда ер юзидеги энг совуқ кутб қаҳратони ҳукмрон. 1938 йили бу ерда минус 77,8 Цельсий даражаси қайд этилган эди. Ваҳоланки, дунё бўйича минус 72 цельсий даража расман рекорд даража, деб белгиланган. Ёқутистоннинг деярли барча худудлари тайгадан иборат бўлиб, катталиги жиҳатдан Амазонка жунглисидан сезиларли фарқ қилади. Унинг майдони 3 миллион 103 минг кв.км.дан иборат. Унда бир вақтнинг ўзида Франция, Австрия, Германия, Италия, Испания, Португалия, Буюк Британия, Швеция, Дания, Финландия ва Греция жойлашиши мумкин.



Ёқутистонда жаҳон олмосининг чорак қисми қазиб олинади. Шунингдек, бу ерда жаҳонга машҳур иккита қўриқхона ва тўртта миллий боғ жойлашган. Айниқса, тайганинг ҳайвонот дунёси хилма-хил ва жуда бой. Бугунги кунда Ёқутистоннинг асосий қисми табиатнинг таъовузкор ҳужуми остида қолган. Булардан бири — ерлик аҳоли тили билан айтганда, ёмғир денгизидир. Халқимиз кучли ёмғир ёғинини челақлаб қўяпти, дейишади. Энди Ёқутистон осмонидан бир вақтнинг ўзида бундан ўн баравар кўпроқ қўйилган ёмғирни тасаввур қилсангиз ёмғир денгизи нималигини англаш қийин эмас.

Бу ердаги ҳар бир дов-дарахт остида қандай сир-саноат яширин эканлигини аниқ билиб бўлмайди. Айнан мана шу мавҳумлик инсон ҳаёти учун кутлмалган онда хавф тўғдириши мумкин.

Ёқутистон худудида номатълум учар жисмлар ва гайритабиий ҳодисалар тез-тез кузатилади. Зеро, тегишли мутахассислар бежизга Ёқутистонни аномал зона, деб аташмаган кўринади.

ШИМОЛИЙ КОЛУМБИЯ



Колумбия асосан бу ерда яшовчи нарқобизнес корчалонларининг қўллиги билан дунёга донг таратган. Шимолий Колумбия тоғлари Колумбия харитасининг энг оғоқ ва ҳануз тўлиқ ўрганилмаган жойлари саналади. Сабаби, бу тоғлар ўзининг қадимий горлари, ёйилиб кетган лабиринтлари билан бошқа тоғлардан кескин фарқ қилади. Бу ерларда яшириниш нарқобизнесменларга жуда осон. Қўллаб горлар водийнинг ташқи дунёсидан бутунлай узилиб қолган бўлиб, охири қаерда тугаганини ҳеч ким билмайди. Ҳалигача бундай горларнинг харитаси тузилмаган, уларнинг сони ҳам номатълум. Шунингдек, Шимолий Колумбия водийсининг ҳайвонот дунёси ва табиати тўғрисида аниқ тасаввур мавжуд эмас. Бу горларга кириб, эсон-омон чиқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Омади чопанлар эса ақлбавар қилмас турли воқеаларни ҳикоя қилишади. Уларнинг сўзларига қараганда, горларга аж-дарҳосмон илонлар макон қуришган, у ерда қадимий шахар харобалари, сариқ сочли баҳайбат одамларнинг мумиёланган жасадларини учратиш мумкин эмиш. Улардан баъзилари ўз вақтида Невада музейига қўйилганлиги бор гап.

Рус тилидан "Инсон ва қонун" муҳбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА таржимаси.

ЖАҲОННИ ЎРГАНАМИЗ

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.


ҲИНДИСТОН

ҲИНДИСТОН Конституцияси АҚШ конституциясидан фарқли ўлароқ дунёдаги энг катта ва мураккаб конституция ҳисобланади. У 1950 йилда қабул қилинган бўлиб, уни ёзишда 21 та тилдан фойдаланилган. Ҳинд ва инглиз тиллари улар орасида энг муҳимлари ҳисобланади.

Мазкур конституция ҳамма ҳам тушуна олиши жуда қийин бўлган тилдаги 395 та модда, 12 та илова ва 500 та тузатишлардан иборат.

Дунёда энг кўп сўз ишлатилган конституция ҳам Ҳиндистон конституциясидир. Унда 146 минг 385 сўздан фойдаланилган.

Давоми бор.



БИЗ дунё мамлакатларини унинг байроғи орқали таниймиз. Байроқ худди инсон чеҳраси мисол ўзида мамлакатнинг турмуши, ўтмиши ва бугуни ҳақида дастлабки ҳамда кўпича аниқ тасавуurlарни тақдим этади.


Илгари байроқлар қабиливий урушлар пайтида муҳим роль ўйнаган — улар ният ва мақсадларни билдириш ёки огоҳлантириш рамзи бўлган. Байроқ — бу нафақат белги, балки ҳақиқий мафкура ҳам. Албатта, сўнги асрларда байроқнинг функцияси ўз долзарблигини бироз йўқотгандек, бироқ бир-бирига ўхшаш зерикарли байроқлар орасида ноодатийлари ҳам бор.

ҒАРОЙИБ БАЙРОҚЛАР



СИЦИЛИЯ

Сицилиянинг қадимий байроғи биринчи марта 1282 йилда Палермодаги Сицилия воқеаларидан кейин қабул қилинган. Байроқнинг марказида трискелион (умумий марказдан чиқувчи уч оёқ), Медуза горгонанинг боши, шунингдек, уч илон (ёки буғдой) тасвири тўширилган. Уч оёқ Сицилиянинг уч нуқтасини англатади. Трискелионнинг яна бир номи — Тринакррия (юнонча "trīnascios" сўзидан олинган бўлиб, учбурчак маъносини англатади), оролнинг антик даврда юнонлар томонидан берилган илк номи ҳисобланади (оролни фатҳ қилганлар унинг шаклига қараб шундай ном беришган). Байроқ ранги Сицилияда ҳукмронлик қилган Анжуй уйига қарши конфедерацияга асос солган Палермо ва Корлеоне шаҳарлари рамзидир.



ҲАВАЙИ

Ҳавайи ҳеч қачон Британия империясининг бир қисми бўлмаган бўлса-да, архипелаг ҳануз мустақил раҳбарлар тавсирланган байроққа эга. Бу тасодифан рўй берган — у пайтлар Ҳавайи маҳаллий монарх Камамеҳ томонидан бошқарилган. У Юнион Жекнинг гўзаллигига шу қадар шайдо бўлганки, ўзининг орол давлатининг расмий байроғини ҳам шу йўналишда қабул қилган.



ЗАИР

Намоёишкорона-инқилобий асос Заир байроғида ўз аксини топган. Заир — бутун XX аср мобайнида овоздлик учун курашни тўхтатмаган мамлакат.



МОЗАМБИК

Мозамбик — байроғида замонавий жанговар курул ("Калашников" автомати) акс этган жаҳондаги ягона мамлакатдир.



НЕПАЛ

Кўриниши классик тўртбурчак бўлмаган жаҳондаги ягона байроқ. Байроқдаги учбурчаклар ичида ой ва қуёш тасвирланган.



ПАПУА-ЯНГИ ГВИНЕЯ

Жаннат қўшининг тасвири бор. Папуа-Янги Гвинея байроғи дизайни 15 ёшли ўқувчи қиз Сьюзен Хухуме томонидан чизилган.



БУТАН

2002 йили ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Бутан байроғи жаҳонда энг яхшиси, деб топилган.



Давоми келгуси сонларда.



ТАРИХДАГИ ИЛК СУҒУРТАЛАР

— Тарихдаги биринчи суғурта шартномаси 1346 йилда тузилган.

— Инглиз футболчиси Дэвид Бэксхем оёқларини 70 АҚШ доллари, россиялик кўшиқчи Земфира эса, бармоқларини 170 АҚШ доллари суғурталган.

— Дунёдаги энг қimmat суғурта полиси америкалик режиссёр Стивен Спилберга тегишли, унинг ҳаёти 1,2 миллиард АҚШ доллари суғурталган.

— Ирландиялик рақос Майкл Флэтлиннинг оёқлари Гиннес рекордлар китобига кўра, энг чаққон ҳисобланиб, улар 25 миллион долларга суғурталган.

Интернет материаллари асосида Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.

— Марлен Дитрих 1 миллион долларга овозини суғурталган бўлиб, ҳатто қиймати ҳам ўша давр учун ақлбавар қилмас даражада катта ҳисобланган.

— 2002 йилда Россияда ҳам суғурталанган овоз пайдо бўлди, бундай шартномани 2 миллион долларга Николай Басков ўз овозини суғурталаш орқали тузган.

— Кар-соқовлар киноси актёри Бен Терпин суғуртанинг "экзотик" турларига бўлган модани очган биринчи мижоз бўлди. Утган асрнинг 20-йиллари бошида у ўз кўзларини 20 минг АҚШ доллари суғурталган.

МУАММО

БУГУНГИ кунда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларда инсон табиат қонунларига эмас, аксинча, ўз манфаатларига асосланиб фаолият юритмоқда, десак муболага бўлмайди. Бир вақтлар дарё, сой ва ариқлардан оқаётган сувдан ҳеч иккиланмай истеъмол қилинган, ташналик қондирилган. Бугун эса бу борада ташвишли ҳол кўзга ташланади.



СУВДАГИ ЧИҚИНДИЛАР:

балиқлар сонидан ошиб кетиши мўмкин

Юқорида айтганимиз ўша дарё, сой ариқлардаги сувда оқиб келаётган ҳар хил турдаги чиқиндиларга масалан, пластмасса идишлар (баклашка), полиэтилен пакетларга кўзингиз тушади, кай-фиятигиз бузилади. Шунинг учун ҳам чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни бугуннинг энг жиддий муаммоларидан бири, деб айта оламиз.

Бугунги кунга келиб полиэтилен пакетларидан кундалик турмушда кўп мақсадларда фойдаланилади. Аммо кўпчилигимиз улардан фойдалана туриб, полиэтилен маҳсулотларининг парчаланиши биологик компонентларга тўлиқ ажралмиши учун 100 йилдан 400 йилгача, пластмассадан ясалган идишлар 250-400 йилгача, шиша идишлар эса 1000 йилгача эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Сув ҳавзаларини полиэтилен пакетлар билан ифлослантирмастик мақсадида 40 дан ортиқ давлатда полиэтилен пакетлар ишлаб чиқариш ва сотиш чегараланган ёки умуман тақиқланган. Данияда 1994 йилдан бошлаб савдо марказларида полиэтилен пакетдан фойдаланганлик учун солиқ тўланган, ундан фойдаланганларга қўшимча тўлов жорий этилган. Шундан сўнг, полиэтилен пакетлардан фойдаланиш 90 фоизга камайган. Ирландияда пакетлар нархининг ошиши улардан фойдаланиш миқдорини 94 фоизга қисқартирган. Дунё олимлари сувни ифлослантирувчи асосий омиллар сирасига пластик чиқиндиларни киритиши бежиз эмас. Агар шу тарзда полиэтилен маҳсулотларидан фойдаланилса, 2050 йилга келиб, денгиз ва дарёлардаги

чиқиндилар сони балиқлар сонидан ошиб кетиши мўқаррар экан. Тасаввур қилиб кўринг, худди ўша пайтда дарё уммонидан қанча балиқ бўлса, шунча пластик буюмлар ҳам бўлади. Муаммонинг бир қисми бир марталик пластик буюмларга тўғри келади. Айни пайтда, республикамизда полиэтилен пакетларидан фойдаланиш ҳозирча тақиқланмаган бўлса-да, шунингдек, кундалик ҳаётимизда ҳар биримиз пластмасса идишлардан фойдаланар эканмиз, бир муддат мулоҳаза юритишимиз керак. Зеро, она табиатимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Зулфизар ТИЛЛАХЎЖАЕВА, Паркент Транспорт ва сервис касб-хунар коллежи ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли юртдошлар!

"АСАКА"

акциядорлик тижорат банки

Ўзбекистон бўйлаб сайёҳлик турларини сотиб олиш бўйича истеъмол кредитининг янги тури жорий этилганлигини эълон қилади.

Истеъмол кредити Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қуйидаги шартларда тақлиф этилади:

- КРЕДИТ МАҚСАДИ** — туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган ташкилотлардан Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сайёҳлик турларини сотиб олиш;
- КРЕДИТ СУММАСИ** — 10 миллион сўмгача, бошланғич бадал тўловларисиз;
- КРЕДИТ ФОИЗ СТАВКАСИ** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси доирасида;
- КРЕДИТ МУДДАТИ** — 3 йилгача, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз;
- КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ** — учинчи шахснинг кафиллиги ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган бошқа таъминот турлари.

Қорақалпоғистон филиали (0-361) 226-72-72
 Бухоро вилоят филиали (0-365) 223-71-94
 Қашқадарё вилоят филиали (0-375) 221-17-03
 Наманган вилоят филиали (0-369) 227-89-23
 Сурхондарё вилоят филиали (0-376) 770-82-20
 Тошкент вилоят филиали (0-371) 120-84-04
 Тошкент шаҳар филиали (0-371) 120-83-67
 Андижон вилоят филиали (0-374) 223-60-44
 Жиззах вилоят филиали (0-372) 226-34-90
 Навоий вилоят филиали (0-436) 223-08-70
 Самарқанд вилоят филиали (0-366) 233-63-82
 Сирдарё вилоят филиали (0-367) 225-28-61
 Фарғона вилоят филиали (0-373) 244-90-64
 "Асака" банк Бош офиси (0-371) 120-26-36

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

"Асака" банк — сизнинг фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.asakabank.uz

Тошкент шаҳар, Учтепа туман ТСРЎ инспекциясида 12.04.2011 йилда 004412-01 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ORIF BARAKA BIZNES" хусусий корхонасининг (СТИР 301 949 390) штампни йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Тел.: (98) 300-19-57.

Тошкент шаҳар, Олмазор туман Давлат хизматлари марказида 05.02.2015 йилда 007996-03 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ASQAR A'ZAM POLIGRAF" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 303 199 668) 2018 йил 6 апрелдаги йиғилиш қарорига асосан тугатилди. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 4 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-гурuch ариқ кўчаси, 91А-уй манзилида қабул қилинади.
Тел.: (97) 738-83-39.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 08.01.2018 йилда 562930-сон билан давлат рўйхатидан ўтган "BABY REPUBLIC" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 305 200 783) 2018 йил 3 апрелдаги йиғилиш қарорига асосан тугатилди. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Лочин кўчаси, 46-уй манзилида қабул қилинади.
Тел.: (97) 770-29-03.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг етакчи маслаҳатчиси **Отабек ПИРМЕТОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Жўраев Нодир Савриддинович
Каримов Бобур Боходирович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очипович

Навбатчи Ёрбек Искандаров
Саҳифаловчи-дизайнер Жамшид Ғофуров

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 12999
Буюртма — V-1408
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 21:40

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09
Баҳоси келишилган нарҳда
1 2 3 4 5